

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1745-ҳадис

1745/4900 – عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ فِي غَزَاةٍ، فَسَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ أَبِي يَثُورٍ: لَا تَنْفِقُوا عَلَيَّ مِنْ عِنْدِ رَسُولِ اللَّهِ حَتَّى يَنْقُضُوا مِنْ حَوْلِهِ، وَلَوْ رَجَعْنَا مِنْ عِنْدِهِ لَيُخْرِجَنَّ الْأَعْرُ مِنْهَا الْأَذَلَّ. فَكَرَرْتُ ذَلِكَ لِعَمِّي أَوْ لِعَمْرٍ، فَكَرَهُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَدَعَانِي فَحَدَّثْتُهُ، فَأَرْسَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي وَأَصْحَابِهِ، فَحَلَفُوا مَا قَالُوا، فَكَذَّبَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَصَدَّقَهُ، فَأَصَابَنِي هَمٌّ لَمْ يُصِبْنِي مِثْلُهُ قَطُّ، فَجَلَسْتُ فِي الْبَيْتِ، فَقَالَ لِي عَمِّي: مَا أَرَدْتَ إِلَيَّ أَنْ كَذَّبَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَقَّتَكَ. فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى: (إِذَا جَاءَكَ الْمُتَنَفِقُونَ)، فَبَعَثَ إِلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَرَأَهَا عَلَيَّ، فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ قَدْ صَدَّقَكَ يَا زَيْدُ.

4903/1745 – وَعَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ: فَدَعَاهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيَسْتَعْفِرَ لَهُمْ فَلَوَّوْا

رُءُوسَهُمْ..

1745.4900. Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир ғазотда эдим. Абдуллоҳ ибн Убайнинг «Расулуллоҳнинг ёнидагиларга инфоқ қилманглар, токи пароканда бўлиб кетишсин. Унинг олдидан қайтсак, қасамки, азиз хорни ундан чиқаражак!» деяётганини эшитдим. Буни амакимга [ёки Умарга] айтдим. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган экан, мени чақирдилар. Мен у зотга сўзлаб бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг шерикларига одам юбордилар. Улар (бундай) дейишмаганини айтиб, онт ичишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени ёлғончига чиқариб, уни тасдиқладилар. Менга шундай бир ташвиш етдики, бунақаси ҳеч етмаган. Уйда ўтириб қолдим. Амаким менга: «Нимани хоҳлаган эдинг? Охир-оқибат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сени ёлғончи билиб, сендан нафратландилар-ку!» деди. Шунда Аллоҳ таоло «Мунофиқлар ҳузурингга келганларида...»ни нозил қилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга одам жўнатдилар ва (уни) ўқиб бериб: «Дарҳақиқат, Аллоҳ сени тасдиқлади,

эй Зайд», дедилар».

1745A/4903. Зайд ибн Арқам розияллоху анху айтади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан сафарга чиқдим. Унда одамларга қийинчилик етди. Шунда Абдуллоҳ ибн Убай ўз шерикларига: «Расулуллоҳнинг ёнидагиларга инфоқ қилманглар, токи атрофидан пароканда бўлиб кетишсин», деди ва: «Мадинага қайтсак, қасамки, азиз хорни ундан чиқаражак!» деди. Мен Набий саллолоху алайҳи васалламга келиб, у зотга бунинг хабарини бердим. У зот Абдуллоҳ ибн Убайга одам юбориб, ундан сўраган эдилар, у (бундай) қилмаганини айтиб, жон-жаҳди билан онт ичди. «Зайд Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни алдабди», дейишди. Уларнинг айтган гапларидан ичимда оғриқ пайдо бўлди. Ниҳоят, Аллоҳ азза ва жалла «Мунофиқлар ҳузурингга келганларида...» оятида менинг тасдиғимни нозил қилди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам улар(нинг ҳаққи)га мағфират сўраш учун уларни чақирган эдилар, бош чайқашди.

«...Улар худди суяб қўйилган хомага ўхшарлар», дегани шунгаки, улар (ичлари чатоқ, кўриниши) энг чиройли кишилар эди».

Манба: hadis.islom.uz

